

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Нарпай тумани



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА

Нарпайского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

НОКИМИ
ҚАРОРИ

2019 йил « » январь

№ -Қ

Оқтош ш.- г.Ақташ

Туманда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, шунингдек машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 25 апрелда 2452-сон билан рўйхатдан ўтказилган) га асосан тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) йиллик техник кўриқдан ўтказиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Техник кўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловага, техник кўриқдан ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Нарпай тумани бўлимининг (бундан буён матнда Инспекция деб юритилади) қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича туман инспектор (Ғ.Раззоқовга) рўйхатдан ўтган техникаларни 2019 йил учун техник кўриқдан ўтказиш ишларини ташкиллаштира син ва қўйдагиларни:

Техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахслар (мулкдорга)га техникаларни техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборилишини;

техник кўриқдан ўтмаган ёки техник кўриққа тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатмалар берилишини ва қайта техник кўриқдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатда белгиланишини:

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта кўриқдан ўтказмаган тақдирда ҳамда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш, таъмирлаш, техника хизматлари кўрсатиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш учун туман ҳокимлигига берилишини таъминласин.

3. Инспекциясида рўйхатдан ўтган техникалар йилда бир марта техник кўриқдан ўтказилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорда:

тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзиюрар машиналарга — 0,18;

қишлоқ хўжалиги машиналарига — 0,10;

машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарига — 0,37 миқдорда йиғимлар ундирилсин.

Техник кўриқдан ўтказиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат, техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилади. Техникани қайта кўриқдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмайди.

4. Мазкур қарор «Пахтакор овози» газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2018 йил 25 январдаги 110-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамга қолдираман.

Туман ҳокими

Б.Жабборов